

ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ САНОАТ РИВОЖИ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 ноябрь куни хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳолати ва келгуси йилги режалар муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказди.

Ўтган 10 ойда мамлакатимизга 26 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестиция киритилган. Бу — 2023 йилга нисбатан 1,7 баробар кўп. Шундан қарийб 24 миллиард долларни тўғридан тўғри сармоялардир.

Киритилган инвестициялар ҳисобига 6 минг 300 та корхона ишга тушган, улар 30 триллион сўмлик қўшилган қиймат яратган, экспорт 305 миллион долларга ошган. Энг муҳими, буларнинг натижасида 163 мингта юқори даромадли иш ўрни очилган.

Ноябрь–декабрь ойларида яна 8,6 миллиард доллар инвестиция келиши кутилмоқда.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда инвестицияларнинг жалб этилиши ҳамда лойиҳаларнинг бажарилиши ҳар бир ҳудуд ва тармоқ кесимида атрофлича таҳлил қилинди.

Саккизта туман ва шаҳарда инвестиция кўрсаткичлари паст бўлган. Айрим тармоқларда ўтган йилга нисбатан камайган. Халқаро молия институтлари билан амалга оширилаётган баъзи лойиҳалар суств бормоқда. Хусусан, 17 та лойиҳада лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тендер жараёнлари кечиккан.

Йиғилишда мутасаддилар йил якунига қўйлаётган натижалар ва 2025 йилга мўлжалланган режалар юзасидан ахборот берди.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МУРОЖААТНОМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бу гал Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномаси аввалгиларидан бутунлай фарқли ва ўзига хос бўлди. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг ўтган ҳафтанинг уч куни давомида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати биринчи мажлисларида сўзлаган нутқлари Мурожаатнома мақомида экани ҳақида сўз бормоқда.

МУРОЖААТНОМА МОҲИЯТИ ВА ТАРИХИ

Дунё таърибаси тараққий этган аксарият мамлакатларда давлат бошлиғининг миллий парламент аъзолари ҳузурида энг асосий, долзарб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий масалалар ҳамда жамиятни демократик ривожлантириш бўйича Мурожаатнома билан чиқиш амалиёти мавжуд эканини кўрсатади.

Давлат раҳбарининг парламентга Мурожаатномаси дастурий сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатдир: биринчидан, Мурожаатномада Президентнинг мамлакатни яқин истиқболда ривожлантиришга доир стратегик йўналишлар бўйича нуктаи назари баён қилинади; **иккинчидан**, сиёсий, иқтисодий, ғоявий-мафкуравий қоидалар билан бир қаторда, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятига тааллуқли аниқ тақлифлар айтилади; **учинчидан**, Президентнинг парламентга Мурожаатномаси жаҳон конституциявий амалиётда ҳокимият ваколатлари бўлиниш принципини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий институтдир.

Жаҳон парламентаризми амалиётига кўра, бундай мурожаатномаларда, бир томондан, Президент якунига етган йилда давлат ҳокимияти органлари эришган ютуқ ва натижалар ҳақида ҳисобот беради. Иккинчидан эса кириб келаётган янги йилда давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар, яъни амалиёт дастурини тақдим этади.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ПАРЛАМЕНТГА МУРОЖААТНОМАЛАРИ: МАЗМУНИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 2017 йилдан бошлаб ана шу илғор сиёсий-ҳуқуқий амалиёт — давлат бошлиғининг Олий Мажлис палаталари-га Мурожаатнома тақдим этиши анъана-га кирди.

Биринчи Мурожаатнома. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 22 декабрда миллий парламентга тақдим этган ilk Мурожаатномаси мамлакатимиз сиёсий-ҳуқуқий тарихида том маънода янги воқеа бўлди. Зеро, давлат бошқарувининг бундай демократик усули, бир томондан, Ўзбекистондаги кенг қўламли ва шиддатли ислохотлар халқ билан мулоқот принципига ғоят уйғун ва ҳамоҳанг эканини намоён этса, иккинчи томондан, бу замонавий ёндашув бугун ҳар биримизнинг фаолиятимиз самардорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Иккинчи Мурожаатнома. Давлатимиз раҳбари 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида, аввало, якунига етган 2018 йилда давлат ҳокимияти органлари эришган ютуқ ва натижалар ҳақида ахборот берди. Хусусан, “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” якунлари атрофлича кўриб чиқилди. 2019 йил Ўзбекистонда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилинди.

Учинчи Мурожаатнома. Давлатимиз раҳбари 2020 йил 24 январда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига тақдим этган Мурожаатномасида “Демократик ислохотлар йўли — биз учун яқкаю ягона ва энг тўғри йўлдир” деб таъкидлади. Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши бўйича кейинги уч йилда қилинган асосий ишлар ҳақида ҳам атрофлича сўз юритилди. Мамлакатимизни 2020 йил — “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да ва келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича устувор йўналиш ва вазифалар белгилаб олинди.

Тўртинчи Мурожаатнома. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 2022 йил 20 декабрда тақдим этган Мурожаатномасида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида мамлакатимиздаги кенг қўламли ва шиддатли демократик ислохотларнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, бу борадаги ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ва муаммолар, хусусан, парламентимизнинг ислохотлардаги иштироки чуқур таҳлил этилди. Бутун дунёда кузатилаётган иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, зиддиятлар, экологик муаммолар, кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарларни

Ташаббус қанот ёзди

ЯШИЛ ВОДИЙ ЯШНАБ ТУРИШИ КЕРАК

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан уч йил аввал бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси чинакам халқ ҳаракатига айланиб кетди. Ҳар йили баҳор ва куз мавсумида дарахт кўчатлари экиш анъана тусига кирди. Ўзокни кўзлаб қилинаётган бу ишларда Президентимиз доимо ўрнат қўлиб келмоқда.

Тошкент шаҳри атрофида “яшил белбоғ” барпо этиш лойиҳаси доирасида дарахт экиш тадбирида иштирок этган давлатимиз раҳбари “Халқимиз табиати “она” дейди, ерни, сувни эъзозлайди. Бунинг замиридаги ҳақиқат ҳозирги экологик муаммолар таъсирида аққол намоён бўляпти. Шунинг учун “Яшил макон” лойиҳасини бошладик. Келгуси йил номини ҳам атроф-муҳитни асраш масаласига бағишладик. Энди бу ташаббуслар кенг ёйилиши, айниқса, ёшларимизга чуқур сингиши зарур. Ҳар бир хонадон, ҳар

бир корхона табиатини асрашга ҳисса қўшиш керак”, деди.

XXI асрга келиб, табиат саффолигини сақлаш энг долзарб масалага айланган. Ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланиш, глобал иссиқ табиий мувозанат ва одамлар соғлиғига зарар етказмоқда. Дунё мамлакатлари бу борада кўплаб қийинчилик ва муаммолар қаршисида ожиз қолаётгани ҳам айни ҳақиқат.

➤ Давоми 2-бетда

ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТАСИ: САМАРА НИМАДА КЎРИНМОҚДА?

5

ВАТАН ИЧРА “КИЧИК ВАТАН”ЛИ БЎЛИШ БАХТИ

ЁХУД ИПОТЕКА СИЁСАТИ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ УЙ-ЖОЙЛИ ҚИЛИШДА ҚАНДАЙ ИМКОНИАТЛАР ЯРАТАПТИ?

Тўқис ҳаёт. Буни ҳар ким ҳар хил тушуниши мумкин. Бизда бу кўпроқ оила, уй-жой билан боғланади. Оиламиз тинч, билимли, хунарли фарзандларимиз ёнимизда саломат юрса ва энг асосийси, ўз уйимиз бўлса, мана шунинг ўзи катта бахт. Омадимиз шундаки, биз бундай шароит яратишни ислохотларнинг энг устувор ва бирламчи вазифаси деб билган давлатда яшаймиз. Биргина ипотека бозори таҳлили шундай дейишимизга асос бўла олади.

Таҳлил

Гап шундаки, одамларнинг уй харид қилиш имкониятини кенгайтириш мақсадида тўрт йил олдин ипотека тизимининг бозор тамойилларига асосланган янги тартиби жорий қилинди. Унга мувофиқ, ўтган даврда барча манбалардан 100 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Бунинг ҳисобига ҳудудларда 6 мингта кўп қаватли уй барпо этилиб, 250 минг оила бошпанали бўлди. Даромади юқори бўлмаган 45 минг оилага бошланғич бадал ва фойз тўлови учун 2,4 триллион сўмлик субсидия берилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида уй-жой қуриш суръати ошиб, қўламли йил сайин кенгаймоқда. Мустақиллик йилларида уй-жой фондининг умумий майдони 1,9 баробар ошди. Аҳоли сонининг ўсиб боришини инобатга олиб, бундай ишлар изчил давом эттирилиши ўтган ҳафта Президентимиз иштирокида бўлиб ўтган йиғилишларда ҳам алоҳида қайд этилди.

➤ Давоми 4-бетда

